



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 1 август, № 156 (8499)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сийёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги самарали алоқалар изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Саноат кооперацияси бўйича, шу жумладан, энергетика, тоғ-кон, озиқ-овқат, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда янги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак қўшма тадбирлар режаси, хусусан, олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 июль куни Венгрия, Озарбайжон ва Япония билан инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, ушбу мамлакатлар катта иқтисодий ва инвестициявий имкониятларга эга. Сўнгги йиллардаги мунтазам мулоқотлар туфайли Ўзбекистоннинг улар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди, ҳамкорликнинг турли йўналишларида алоқалар фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Японияда, 2022 йилда Венгрияда расмий ташир билан бўлган эди. Озарбайжон Президенти ва Венгрия Бош вазири мамлакатимизга келган. Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, “Марказий Осиё — Япония” тузилмалари доирасида доимий фикр алмашиб келинмоқда.

Сийёсий ирода ва ўзаро манфаатдорлик натижасида Венгрия билан 33 та, Озарбайжон билан 27 та, Япония билан 13 та лойиҳа бўйича қилинган имзоланган.

Йиғилишда ушбу лойиҳаларнинг ижро ҳолати, уларни амалга ошириш бўйича йўлга қўйилган тизим ҳақида ахборот берилди.

Масалан, Венгрия билан ҳамкорликда паррандачилик кластери ташкил этиш, авиакомпания очиш, доридармонлар, бутловчи қисмлар ва кимё маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Озарбайжон билан энергетика, кимё, транспорт, машинасозлик, қурилиш соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда.

Япония билан лойиҳалар кўлами ҳам кенг: энергетика, туризм, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, тўқимачилик, қорвачилик.

Умуман айтганда, Венгрия, Озарбайжон ва Япония билан шерикликдаги ушбу лойиҳалар натижасида 8 мингдан зиёд янги иш ўринлари, қарийб 1 миллиард 700 миллион долларлик экспорт имконияти яратилиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, бу борада масъуллар ва инвестиция менежерлари ишини жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

Икки томонлама мулоқотлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро таширларини ташкил этиш орқали янги лойиҳалар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Саноат, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, хизматлар, таълим ва инновациялар ҳамкорлигининг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Ў.А.

Олтиариқ тажрибаси:

ИЗЛАНИШ, ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

токзорлардан ширин-шакар узум, боғлардан сархил мевалар етиштириш имконини бермоқда



Халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов алоҳида меҳр билан таърифлаганидек, Фарғонанинг мунис бағрида олти ариқдан сув ичадиган жаннатмакон гўша бор. Пулвиқор тоғлар бағридан кокилларини ҳар ён ёйиб, солланиб-солланиб оқадиган Шохимардонсой шу ҳудудга келганда олтига ариққа бўлинади. Асрлар мобайнида ушбу ариқлардан оқадиган обихаёт Олтиариқ ва олтиариқликлар учун баракали ризқ-насиба манбаи бўлиб келмоқда.

Олтиариқнинг тупроғи олтин, деҳқончилик ҳадисини олган туман миришкорлари эса худди моҳир заргар сингари она заминдан дуру гавҳар ундирди, деган ибора асло муболага эмас. Шу сабабли бодринг, турп ҳудуднинг ўзига хос “ташир қоғози” бўлса, кейинги йилларда узум том маънода Олтиариқнинг брендига айланди.

Бугун қайсики олтиариқлик билан суҳбатлашсангиз, бу ютуқлар замирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуслари мужассам эканлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбари эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ота-боболардан мерос деҳқончилик юмуши билан боғлиқ ҳаётий тажриба илм-фан ютуқлари, жаҳон андозаларига ҳамоҳанг замонавий мезонлар, қулай тадбиркорлик муҳити шароитида жадал ривожланиб бормоқда. Боғдорчилик фермер ҳўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор Олтиариқ туманида ҳам узумчиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Туманда токзорлар йилдан-йилга кенгаймоқда.

➡ 3

Муносабат

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ЖИПСЛИГИМИЗ – ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ, БАХТУ САОДАТИМИЗ ПЙДЕВОРИ

Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Президентимизнинг Ўзбекистон халқига байрам табригини ва ушбу сана муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизнинг муқофотланганини кўтаринки руҳда қутиб олдик. Қувончимизга қувонч қўшилди. Табриқда давлатимиз раҳбарининг ватандошларимизга юксак ҳурмати ва эзгу тилаклари ўз ифодасини топди. Мамлакатимиздаги бағрикенглик, ҳамжиҳатлик муҳити эътироф этилиб, унинг аҳамиятига юқори баҳо берилди.

Кўп миллатли халқимиз — бизнинг энг катта бойлигимиз, юртимиздаги миллатлар ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик — барча ютуқ ва марфаратимизнинг мустаҳкам

асосидир, дейилди табриқда. Қаранг, нақадар олижаноб ғоя! Инсонни руҳлантирадиган, кучига куч қўшадиган юксак эътироф! Зотан, халқ — энг катта бойлик, юр-

тимиздаги тинчлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик барча муваффақиятларнинг заминини эканининг ҳаётий исботини ҳар биримиз ўз қўзимиз билан кўриб келяпмиз, тақдиримиз мисолида ҳис қиляпмиз.

Қорақалпоғистон Республикасида 2 миллион аҳоли иттиқомат қиладиган бўлса, улар орасида 80 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бор. Улар тинч-тотув, аҳил-иноқ, бир оила фарзандларидек умргузаронлик қиладиган.

➡ 2

Испайсойда микроГЭС ишга туширилди

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Писком дарёсининг чап irmoғи ҳисобланган Испайсойда янги микроГЭС ишга туширилди.

Гидроэнергетика

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз сув-энергетика салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш мақсадида янги ГЭСларни қуриш бўйича тасдиқланган инвестициявий лойиҳалар асосида ҳудудларда фидойи гидроэнергетикалар жамоаси томонидан жадал-

лик билан қурилиш ишлари олиб бориладиган. Соҳада фаолият юритаётган мутахассислар, ишчи-ҳодимларнинг жонқурлиги ҳамда самарали меҳнати натижасида янги Ўзбекистоннинг гидроэнергетика салоҳияти тобора юксалиб бормоқда.

Бу “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Испайсойда янги микроГЭСнинг расмий очилиш маросимига бағишланган тантанали тадбирда ҳам алоҳида эътироф этилди.

➡ 2

Сенатор ва ҳаёт

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Маълумки, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, маҳаллалар ҳамда ижтимоий соҳа объектларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши билан яқиндан танишмоқда.

Ўрганишлар давомида электр энергияси, газ, иссиқлик, ичимлик суви таъминоти, зарур қўмир маҳсулотларини етказиб бериш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Хусусан, парламент юқори палатасининг Халқаро муносабатлар, ташқи

иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов Андижон вилоятида айни масала билан танишмоқда. Сенатор Олтинқўл туманининг “Иттифок” МФЙ ҳудудидаги 23 млрд. сўм эвазига қурилган минигЭСни кўздан кечирди. Қайд этилишича, бу ГЭС ҳозирги кунда 100 та хонадонни электр энергияси билан таъминлаш қувва-

Сўнгра сенатор тумандаги 7-умумтаълим мактабида ўрнатилган 25 кВт қувватли куёш панелининг ишлаш ҳаёти билан қизиқди. Ушбу лойиҳа доирасида мактаб эҳтиёжи учун 5 кВт фойдаланилади, қолган 20 кВт электр энергиясини давлатга минг сўмдан сотиш кўзда тутилган.

Шунингдек, сенатор ҳудудда олиб борилаётган ишлар ва бошланган лойиҳаларни сифатли ҳамда ўз вақтида яқунлаш юзасидан туман Кенгаши депутатлари ва масъулларга тегишли тавсиялар берди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларида

ҚИЗГИН БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР

пишиқ-пухта қонунларни қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди.

Депутатлар айрим ҳужжатлар юзасидан ўз тақлифларини илгари сурган ҳолда қатъий эътирозларини ҳам билдиришди. Зеро, пишиқ-пухта қонунлар баҳс-мунозаралар асосида яратилади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш тартиби белгиланмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар томонидан бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Дастлаб фракция аъзолари томонидан “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди.

Фракция аъзоларининг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши педагог ҳодимнинг жамиятдаги мақомини юксалтириш, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва касбий камол топиши учун шароит яратиш ҳамда ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга хизмат қиладиган. Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Кун тартибиданги навбатдаги масала — “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат мулкани

➡ 2

САЙЁРА РАШИДОВА — МАШҲУР АКАДЕМИК ВА БИРИНЧИ ОМБУДСМАН

Сайёра Шарофова Рашидова Иккинчи жаҳон урушининг бuriлиш палласида атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи ва фронт жангчиси Шароф Рашидов оиласида дунёга келган. Халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилиб, ушбу ҳужжат Ўзбекистон ижтимоий-сий

Илм-фан фидойилари

Мустақил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари янги институтларининг шаклланиши

Сайёра Рашидова меҳнат фаолиятининг асосий қисми мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий-сий жараянлар билан чамбарчас боғлиқ. Сайёра Шарофова икки марта, яъни 1995 — 2004 йилларда Олий Мажлис депутати этиб сайланган, мамлакатимизда парламентаризм қарор то-

пиши, шунингдек, унинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолиятида ҳам фаол иштирок этган.

У “Олима аёл” уюшмаси президенти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши президиумларининг аъзоси, “Альянс Франсез” ва Ўзбекистон — Польша дўстлик жамияти раиси лавозимларида ишлаган. Шу аснода мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида самарали фаолият кўрсатган.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига дахлдор миллий ва халқаро жа-

ҳаётининг ҳам узвий қисмига айланган йили Сайёра опа энди 5 ёшга тўлганди.

Мамлакатимиз кенг жамоатчилиги ва халқаро жамоатчилик Сайёра Шарофовани таниқли кимёгар олима, бутун дунёда эътироф этилган Ўзбекистон кимёгарлари илмий мактабининг йирик ташкилотчиси, машҳур давлат ва жамоат арбоби сифатида яхши билади ҳамда юксак қадрлайди.

моатчилик вакиллари Сайёра Рашидовани мамлакатимиздаги Омбудсман институтининг асосчиси сифатида эътироф этади.

Сайёра Шарофова илк бор 1995 йил декабрда биринчи қақиси Қўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил этиб сайланган. Опа умрининг нақд 20 йилини ана шу хайрли, масъулиятли ва ўта нозик ишга бағишлади. Бинобарин, парламентимиз Сайёра Рашидовани Омбудсман лавозимига қатораси-

➡ 4

